



ЗАМОНАВИЙ КАТАКЛАРДА ҚУЁНЛАРНИ БОҚИШ УСУЛЛАРИ

¹Алишер Худойбердиевич Хушназаров

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети, таянч докторанти.

E-mail: phd.xushnazarov@gmail.com,

²Искандар Хайдарович Райимкулов

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети, ассистенти.

E-mail: max.raim0330@gmail.com,

³Асқад Мирзамахмудович Эшқораев

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети, ассистенти.

E-mail: eskoraevaskad@gmail.com.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7565173>

ARTICLE INFO

Received: 15th January 2023

Accepted: 23th January 2023

Online: 24th January 2023

KEY WORDS

Қуён, хикол, катак, микроклим, зот, ферма, бройлер, тивит.

ABSTRACT

Ушбу мақолада қуёнларни ҳар-хил катакларда сақлашда уларни ички ва твшқи ҳароратга мослаштиришда экологик омилларни таъсир жараёни, микроклим курсатгичларини, четдан келтирилган қуён зотларини иссиқ иқлимга мослаштириш ва катакларни ҳар-хил турларга зоогигиеник баҳо берилган.

КИРИШ. Республикамиз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Чорвачиликда гўшт, тухум, балиқ маҳсулотлари билан бир қаторда қуён гўшти етиштириш алоҳида аҳамиятга эга. Қуённинг танаси кичик бўлишига қарамасдан берадиган маҳсулоти инсон учун жуда фойдали. Айнан қуён гўшти соғлиқ учун фойдали бўлиб, бошқа гўштлардан таъми ва парҳезбоп хусусиятлари билан ажралиб туради. Янги музлатилган қуён гўшти барча мавсумларда фойдаланиш имконини беради.

Дунёда саноат усулида қуён боқиш кенг тадбиқ этилган бўлиб, махсус катакларда, ёпиқ биноларда мақбул микроклим шароити таъминланган ҳолда тўлиқ рацион асосида белгиланган озуқа билан боқилади. Қуён гўштининг биологик хусусияти, юмшоқлиги ҳамда ёғ ва холестерин моддасининг камлигини ҳисобга олиб, аҳолининг барча қатламига шунингдек, турли касалликларга чалинган, яни аллергия, гипертония, ошқозон-ичак, меъда, ўт пуфак, жигар касалликларига чалинганларга уни истеъмол қилиш тавсия этилади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ. Ноқулай темир катакларда сақланган қуёнлар организмиде физиологик мийёрлар ўзгаради, қуёнхоналарда зарарли газлар миқдори кўпаяди, оқибатда уларнинг махсулдорлиги тушиб кетади. Қуёнчилик фермалари қуриладиган жойлар баланд, ёмғир-қор сувлари оқиб крмайдиган жойлардан танланиши лозим. Ферма атрофи шамолдан сақлайдиган 2 м баландликдаги девор билан ўралиб, дарахтлар экилиши, кириш-чиқиш учун битта дарвоза қилиниб, дезобарьер билан жиҳозланиши, дезомат қилиниши ва ветеринария



санитария кузатув пункти қурилиши шарт. Ферма ҳудудида иситиш қурилмаси, канализация, электр тармоғи, водопровод бўлиши лозим. Қуёнчилик фермаси аҳоли яшаш жойларидан 300 м узоқликда, йирик ихтисослашган фермалар эса 1,5 км узоқликда қурилиши мақсадга мувофиқ. Қуён асосан катакларда боқилиб, асосий иш жараёнларида механизацияни кенг жорий этиш соҳанинг самарадорлик даражасини оширади. Қуёнчилик фермалари асосан 2 қаторли катаклар қилиниб, қуёш нурлари ва ёгин-сочиндан сақлаш учун айвон тагига жойлаштирилиши махсулдорликни оширади.



Таянч докторант - Хушназаров А.Х.

“Бўрибой Нустаев Замин Нур” Ф/Хда қуёнларни клиник куриқдан ўтказмоқда

НАТИЖАЛАРИ. Илмий тадқиқот ва кузатув ишларимиз Самарқанд вилояти Булунғур тумани “Бўрибой Нустаев Замин Нур” Ф/Хда олиб борилди. Фермер хўжалигида 950 бош “Хикол” зотли қуёнлар замонавий катакларда парваришланиб келинмоқда. Қуёнлар учун қилинган катаклар узунлиги 120-140 см, кенглиги 65-70 см бўлиб, катакнинг олдин баландлиги 55 см, орқа томони 40 см қилинган. Катаклар орасидан 120 см кенгликда хизмат қилиш йўли қолдирилган. Ёш қуёнлар гуруҳ ҳолида катакларда сақланади. Катаклар ичида осиб қўйилган сув идиши мавжуд. Қуёнхона поли сим тўрдан қилинган.

Қуёнлар учун катаклар тайёрлаш. Хомиладор қуёнлар учун; Катаклар механик тозаланиб, дезинфекция қилинади, ичи мослаштирилади. Катак ичига узунлиги 50 см, кенглиги 40 см ва баландлиги 25 сантиметрлик яшикча ўрнатилиб ичига тўшама солинади. Яшикнинг бир деворидан диаметри 25 сантиметрлик тешикча қўйилади. Яшик ичига суғориш ва озиқлантириш идишлари ўрнатилади. Қуёнчилик хўжаликларида ёзда катакчалар очиқ ҳавода ўрнатилади. Қишда эса махсус биноларга қўчирилиб, қуёнхона ҳароратини +15 +20 °С да сақлаш лозим.

1-жадвал.

Турли зотли қуёнлар учун катакларнинг ўлчамлари.

Зот гуруҳи	Узунлиги, см	Кенглиги, см	Олдинги девор баландлиги, см	Кейинги девор баландлиги, см	Пол юзаси, см ²




Йирик	150	70	75 – 90	45 - 55	10500
Ўрта	100 - 120	60	60 – 80	45	6000 - 7200
Тивитли	150	80	60	45	12000

Ёш қуёнчалар учун. Катакнинг пол ёриқлари 2x2 сантиметрли зангламайдиган сим тўрдан қилиниб, ҳар 6-7 кунда тўшамаси алмаштирилиб турилади. Фермада ўсишдаги қуёнлар гуруҳ ҳолида узунлиги 2,5 м, кенглиги 1 м, олдидан баландлиги 60-80 см, ва орқа баландлиги 30-50 см бўлган катакларда сақланади. Қўзғатилмайдиган 1-2 ўринли катаклар узунлиги 2-2,4 м, кенглиги 60-75 см, баландлиги 50 см қилиб ёғочдан ёки ғиштдан қилиниб ердан 80 см баландликда ўрнатилади.

Тивит йўналишидаги қуёнлар учун. Катта ёшдаги юнг олиш учун мўлжалланган қуёнлар катакда 1 бошдан сақланиб, ёш қуёнлар эса 3-4 бошдан ёки 14-15 бошдан поли сим тўр билан қопланган ёпиқ хоналарда сақланади.

Бройлер йўналишидаги қуёнлар учун. Бу усулда сақлаганда қуёнчалар 56-60 кунлигида тирик вазни 2 кг га етганда онасидан ажратилади ва жадал боқилади. Ажратилган қуёнчалар 10-20 бош, наслчилик хўжалигида 3-4 бошдан катакларда, ҳар бирига 0,12 ва 0,17 м² ҳисобидан жой ажратилиб сақланади. Эркак қуёнлар бичилиши ҳам мумкин. Уч ойлигида эркак қуёнлар 1 бошдан, урғочилари 2 бошдан катакда қолдирилади. Ёш қуёнларни яхши ўсиши учун ёз пайтлари ҳар бирига 0,4 м² ҳисобидан яйратиш майдони ажратилади.

Ишлаб чиқариш амалиётида икки жойли катак кенг қўлланилади (1-2 расм). У блок типда бўлиб 2 та катакдан иборат ва иккита катта қуённи сақлашга мўлжалланган.



1 - расм.

2 - расм.

1-расм. катта ёшли қуёнлар учун икки жойли туғиш бўлими бўлган катак.

1 - туғиш бўлими эшиги; 2 - катакни ушлаб турувчи устун; 3 - тўрли эшик; 4 - йиғиштириладиган суғорғич; 5 - йиғиштириладиган охур; 6 - дағал озиқалар учун жой; 7 - охурнинг асоси.

2 - расм. Сим тўрли катак КСКД 1. 1 - эшиклар; 2 - коллектор найчали штуцер; 3 - бункерли охур; 4 - шланг; 5 - устун; 6 - автосуғорғич.

МУҲОКАМА. Қуёнчилик фермасида асосий бинолардан ташқари хизматчилар, асбоб-ускуналар учун бино, озуқа цехи, озуқа омбори, сўйиш ва терини шилиш, қуритиш хонаси бўлиши лозим. Касалланган қуёнлар учун изолятор қурилиб, у ерда қуёнларни



алоҳида-алоҳида сақлаш учун катаклар бўлади. Катаклар доимо 10 фоизли иссиқ ишқор эритмаси ёки 1 фоизли формалин эритмаси билан дезинфекция қилиб турилади. Катакларни металлдан қилинган қисми олов ёрдамида зарарсизлантирилади.

Юртимизда глобал об ҳаво ҳароратининг кескин +43 °C гача кўтарилиши қиқишлоқ хўжалик ҳайвонлари айниқса қуёнлар организмига салбий тасир қилади. Кунлик ҳароратни мийёридан ошиши қуёнлар организмидан нафас олишни қиеинланиши озикаланишнинг камайиши, холсизланиш ва сувсизланиш билан кечади. Олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ҳар бир зотли қуёнларни тўғри сақлаш озикалар таркибини витаминларга боетилишини ва ҳар бир зотли қуёнлар учун микроқлим кўрсаткичларини ишлаб чиқишни тақазо этади.

Илмий тадқиқотларни ветеринария санитария зоогигиена экология амалиётида бўлган микробиологик, физиологик, гематологик, ветеринария санитария тадқиқот усулларида олиб борилади. Тажрибалар 6 ойлик Хикол зотида мансуб қуёнларда олиб борилди.

2-жадвал.

Қуёнхоналардаги микроқлим кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Тажриба гуруҳи		Назорат гуруҳи	
		1-тажриба	2-тажриба	1-назорат	2-назорат
Бино харорати	°C	<u>14,1 - 16,4</u> 15,2	<u>14,7 - 17,1</u> 16,1	<u>14,4 - 13,1</u> 13,4	<u>12,3 - 18,4</u> 15,1
Нисбий намлик	%	<u>60,3 - 74,3</u> 65,4	<u>58,1 - 72,1</u> 64,4	<u>54,1 - 58,1</u> 52,4	<u>58,4 - 58,9</u> 57,9
Хаво харорат тезлиги	м/сек	<u>0,3 - 0,5</u> 0,4	<u>0,5 - 0,6</u> 0,7	<u>0,4 - 0,7</u> 0,5	<u>0,5 - 0,4</u> 0,4
Табий ёруғлик	%	<u>0,70 - 0,64</u> 0,72	<u>0,64 - 0,68</u> 0,63	<u>0,69 - 0,70</u> 0,25	<u>0,22 - 0,20</u> 0,21
Карбонат ангидрит	%	<u>0,22 - 0,24</u> 0,21	<u>0,21 - 0,24</u> 0,20	<u>0,24 - 0,26</u> 0,25	<u>0,22 - 0,20</u> 0,21
Аммиак газы	мг/м ³	<u>0,15 - 0,12</u> 0,14	<u>0,14 - 0,16</u> 0,15	<u>0,12 - 0,17</u> 0,14	<u>0,16 - 0,14</u> 0,15

Тажриба ва назорат гуруҳидаги чет мамлакатдан келтирилган қуён зотларини баъзи иқлим шароитларимизга мослашувчанлиги жуда пастлиги кузатилди.

ХУЛОСА. Аҳоли ва шахсий ёрдамчи фермер хўжаликлар учун тақдим этилаётган катак қурилмалари зоогигиеник мазорларга тўлиқ жавоб беради.

Аммо бугунги кунда қуёнбоқарлар ушбу катаклардан фойдаланилганда ҳам кўзланган натижаларга эриша олишмаяпти, бунга асосий сабаб тадбиркорлар ва илм аҳлининг ўзаро баҳамжихат иш олиб боришмаётганлигидир. Келгусида ушбу тармоқ ривож



учун соҳа вакиллари ва илмий тадқиқотчиларнинг биргаликда фаолият олиб бориши мақсадга мувофиқдир.

References:

1. Даминов, А. С., Хашимов, Б. С., & Хушназаров, А. Х. (2018). ЭПИЗООТОЛОГИЯ И ЛЕЧЕНИЕ ПАРАМФИСТОМАТОЗА КРУПНОГО РОГАТОГО СКОТА. In Современное состояние, традиции и инновационные технологии в развитии АПК (pp. 76-83).
2. Давлатов, Р. Б., & Хушназаров, А. Х. (2022). ҚУЁН ЭЙМЕРИОЗИ ЭПИЗООТОЛОГИЯСИ ДАВОЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИКА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ. АГРОБИОТЕХНОЛОГИЯ ВА ВЕТЕРИНАРИЯ ТИВВИЙОТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ, 181-184.
3. ДАВЛАТОВ, Р. Б., & ИБРАГИМОВ, Д. (2012). Сравнительная активность кокцидиостатиков при эймериозе птиц. Вестник ветеринарии, (4), 40-41.
4. Давлатов, Р. Б., Насимов, Ш. Н., Ниёзов, Х. Б., Жабборов, Ш. А., Хўджамшукуров, Ш. А., & Сафаров, Х. А. (2019). Парранда касалликларини профилактикаси ва даволаш бўйича ТАВСИЯЛАР.
5. Давлатов, Р. Б., Салимов, Х. С., & Худжамшукуров, А. Н. (2018). " Парранда касалликлари" ўқув қўлланма Самарқанд.
6. Давлатов, Р. Б., Расулов, У. И., & Исломов, Г. П. (2018). МЕТОДЫ ТЕРАПИИ И ПРОФИЛАКТИКИ ПИРОПЛАЗМОЗА КРУПНОГО РОГАТОГО СКОТА. In Современное состояние, традиции и инновационные технологии в развитии АПК (pp. 73-76).
7. Давлатов, Р., & Мишин, В. (2008). Одновременная профилактика эймериоза и колибактериоза. Животноводство России, (5), 17-18.
8. Давлатов, Р. Б., Салимов, Х. С., & Тоиров, Ж. Э. ЧУВСТВИТЕЛЬНОСТЬ КОЛИБАКТЕРИОЗА ПТИЦ К АНТИБИОТИКАМ КОЛИБАКТЕРИОЗИС СЕНСИТИВИТИ ТО АНТИБИОТИКАМ. ББК 65.2 С56, 39.
9. Давлатов, Р. Б., Салимов, Х. С., & Тоиров, Ж. Э. (2018). ВОПРОСЫ ЭПИЗООТОЛОГИИ ЭШЕРИХИОЗА ПТИЦ В УЗБЕКИСТАНЕ. In Современное состояние, традиции и инновационные технологии в развитии АПК (pp. 67-73).
10. Давлатов, Р. Б., Салимов, Х. С., & Тоиров, Ж. Э. (2019). ЧУВСТВИТЕЛЬНОСТЬ КОЛИБАКТЕРИОЗА ПТИЦ К АНТИБИОТИКАМ. In СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ, ТРАДИЦИИ И ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В РАЗВИТИИ АПК (pp. 39-44).
11. Дускулов, В. М., & Расулов, У. И. (2013). Современные методы терапии и профилактики пироплазмидозов крупного рогатого скота. Ветеринарна медицина, (97), 379-380.
12. Eshbo'riyev, S. B., & Qarshiyev, U. T. (2022, December). EFFECTIVENESS OF PROBIOTICS IN PREVENTING DISORDERS OF CALCIUM-PHOSPHORUS METABOLISM IN RABBITS. In Proceedings of International Educators Conference (Vol. 3, pp. 72-78).
13. Eshburiyev, S. B., Qarshiyev, U. T., & Yusupova, Z. (2022). PROPHYLAXIS OF MINERAL METABOLISM DISORDERS IN RABBITS. АГРОБИОТЕХНОЛОГИЯ ВА ВЕТЕРИНАРИЯ ТИВВИЙОТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ, 399-402.
14. Гафуров, А. Г., Расулов, У. И., & Дускулов, В. М. (2013). Мер-борьбы пироплазмидозов крс от кровепаразитарных болезней. Зоове-теринария (Ташкент), (3), 21.



15. Jabborov, G., & Rayimqulov, I. X. (2022). QO 'Y VA ECHKILARNING EKTOPARAZITLARI VA ULARGA QARSHI DORI VOSITALARINI SINOVDAN O 'TKAZISH. AGROBIOTEKNOLOGIYA VA VETERINARIYA TIBBIYOTI ILMIY JURNALI, 86-89.
16. Khasanovich, N. D., & Bakhodirovich, Y. J. DIAGNOSTICS AND SOME FEATURES OF DEMODECOSIS IN DOGS OF THE SAMARKAND REGION. SCIENCE EDUCATION PRACTICE, 126.
17. Nishanov, D. X., & Arabov, J. M. (2022). ITLAR DEMODEKOZINI SAMARALI DAVOLASH USULI. AGROBIOTEKNOLOGIYA VA VETERINARIYA TIBBIYOTI ILMIY JURNALI, 318-322.
18. O'G'Li, R. Q. Z., & Isoqulova, Z. X. (2021). Qishloq xo 'jalik hayvonlarining trematodozlari haqida ma'lumot. Science and Education, 2(12), 97-101.
19. Курбанов, Ш. X., Отабоев, X. Э., Эшқораев, A. M., & Фармонов, M. Y. (2022). ЖИГАР ТРЕМАТОДАЛАРИНИНГ БИОЭКОЛОГИК ВА ЭПИЗОТОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ. RESEARCH AND EDUCATION, 1(9), 256-264.
20. Расулов, O., Илёсов, З., Суюнов, P., Расулов, Ш., & Хушназарова, M. (2022). Vozorlardagi go'shtning yangiligini aniqlash usullari. Перспективы развития ветеринарной науки и её роль в обеспечении пищевой безопасности, 1(2), 132-136.
21. Райимкулов, И. X., & Кулиев, Б. A. (2019). Гистохимические показатели при экспериментальной пневмонии у каракульских ягнят.
22. Рустамов, Б. С., & Давлатов, P. Б. (2021). КУРКАЛАР ГИСТОМОНОЗИНИ ДАВОЛАШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШДА ВИТАМИНЛИ КОМПЛЕКСЛАРНИ СИНОВДАН ЎТКАЗИШ. Вестник Ветеринарии и Животноводства, 1(2).
23. Турсункулов, A. P., & Хушназаров, A. X. (2020). ҲАЙВОНЛАРНИНГ ЛАРВАЛЬ ЦЕСТОДОЗЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ. ҚОРАҚЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ, 332.
24. Хушназаров, A. X. (2022). ОБЗОР ЛИТЕРАТУРНЫХ ДАННЫХ ПО ХИМИОТЕРАПИИ И ХИМИОПРОФИЛАКТИКИ ЭЙМЕРИОЗА КРОЛИКОВ. PEDAGOGS journali, 23(2), 83-86.
25. Худойбердиевич, X. A., Хушназарова, M. И., & Исокулова, З. X. (2022). ҚУЁН ЭЙМЕРИОЗИНИНГ ТАРҚАЛИШИ, ДИАГНОЗИ, ДАВОЛАШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ. RESEARCH AND EDUCATION, 1(9), 245-249.
26. Хушназарова, M. И., Расулов, У. И., & Исакулова, З. X. (2022). СОВРЕМЕННЫМ И ПЕРСПЕКТИВНЫМ МЕТОДАМ ВЕТЕРИНАРНО-САНИТАРНОЙ ЭКСПЕРТИЗЫ. CENTRAL ASIAN JOURNAL OF THEORETICAL & APPLIED SCIENCES, 3(2), 81-84.
27. Хушназарова, M. И., & Расулов, У. И. (2022). ҚУЁН ГЎШТИНИНГ ВЕТЕРИНАРИЯ САНИТАРИЯ ЭКСПЕРТИЗАСИ. In INTERNATIONAL CONFERENCES (Vol. 1, No. 21, pp. 78-83).
28. ШУЛЯК, A. A., МАРОН, В. M., БЕЛКИН, A. K., & ДАВЛЕТОВ, P. Б. (1988). Способ управления непрерывной разливкой металла.